O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 8 февраль, № 26 (3825) Чоршанба

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф унинг Ўзбекистондаги ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашиши, Марказий Осиёдаги вазият билан яқиндан танишиши учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

— Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш кенг кўламли халқаро ҳамкорликни тақозо этмоқда, — деди Ислом Каримов.

Учрашувда халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этилди. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олишда, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Н.Бордюжа Ўзбекистон раҳбарига ташкилот доирасида кечаётган жараёнлар, унинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ахборот берди. Самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизликка, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Бола Навоийни ўқиса...

Шу кунларда юртимизда ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг нишонланишига кенг миқёсда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Жойларда шу муносабат билан турли тадбирлар, навоийхонликлар ўтказилаяпти. Республика давлат болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир бу борада ибратли қадамлардан бири бўлди. Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган мазкур анжуманда пойтахтимиздаги мактаб ўқувчилари, шеърият ихлосмандлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, Навоий ижодиёти неча йиллардан буён ўрганилаётган бўлса-да, унинг бетакрор қирралари ҳамон кашф этилаётир. Шу билан бирга, юксак тарбиявий аҳамиятга эга адаб дунёсини ёш авлодга етказиш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир.

— Навоий шеърияти маънавий, маърифий ва ахлоқий жиҳатдан инсон камолотида, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади, — дейди болалар кутбхонасининг етакчи мутахассиси Хосият Каримова. — Кўрдингиз, тарихчи ва адабиётшунос олимларнинг фикрлари болаларда катта таассурот қолдирди. Бу эса ёш авлоднинг қалбида улуғ шоир ижодига нисбатан иштиёқни уйғотади. Навоий асарларини ўқиганда эса, ёшидан қатъи назар, ҳар кимнинг қалбида эзгулик ҳислари жўш уради.

Тадбирда, шунингдек, Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари даврага янада файз бахш этди.

Анвар САМАДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош прокурор Р.Қодиров бошқарди.

Ҳайъат мажлисида 2005 йил мобайнида прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокида ўтказилган учрашувда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хусусан, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, жами 259 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини бажаришда қонунбузилишларга йўл қўйган 122 минг мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Таъкидландики, прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга 95 миллиард сўмликдан ортиқ 49 мингга яқин даъво аризаси киритилгани ҳолда, фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича пул маблағларининг ундирилишида сусткашликка йўл қўйилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мамлакатимиз Президентининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишга оид Фармон ҳамда Қарори талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликлари юзасидан қатъий чоралар кўриш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларга амалий- ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 47 миллиард сўмдан ортиғи ундирилган. Валюта билан ноқонуний муомала қилиш ҳоллари юзасидан бирмунча ишлар қилинган. Бироқ бу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ишларида ҳамон камчиликлар борлиги танқид қилинди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида 21 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилганлиги таъкидланиб, бу йўналишдаги қонунбузилишларга барҳам бериш юзасидан янги вазифалар белгилаб олинди.

Мамлакатимизда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик ва ўғриликка оид жиноятларнинг бирмунча камайишига эришилди. Аммо диний экстремизм ва терроризм кўринишларининг олдини олиш фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликни яхшилаш зарурлиги қайд қилинди. Жиноятларни ҳисобдан яшириш каби салбий амалиётга кескин барҳам бериш чораларини кўриш топширилди.

Мажлисда суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг қарийб 61 миллиард сўми, 85 минг АҚШ доллари ва 70 минг евро ёки 73 фоизидан ортиғи ундирилгани эътироф этилди.

Прокуратура органларининг хизмат фаолиятида қонунбузилишларга йўл қўйган 567 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди ва 64 нафари прокуратура органларидан бўшатилди. Кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, ходимларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни кучайтириш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бош прокуратура матбуот марказидан маълум қилинишича, мажлисда прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш жараёнини янада такомиллаштириш, янги ўқув дастурлари ва услубларини жорий қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан вазифалар қўйилган.

Ҳайъат мажлисида Бош прокурор томонидан барча прокурорлар олдига қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини тубдан яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

(ЎзА).

Бевосита мулоқот

Ўқитувчи манфаатини ҳимоялаш

унинг масъулиятини оширади

Ҳар бир юртнинг бугуни ва келажаги том маънода мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Зеро, миллатнинг истиқболи шу заминда улғаяётган ўғил-қизларнинг камоли билан чамбарчас боғлиқ. Аслида юртимизда таълим тизими ислоҳотига устувор вазифа сифатида қаралишининг замирида ҳам фарзандларимизнинг келажак тақдирини ўйлаш орқали Ватаннинг эртанги тараққиётини кўриш ғояси мужассам.

Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев билан ўтказилган «Бевосита мулоқот»гача таҳририятга ва вазирликка 300 га яқин саволлар тушди. Уларни гуруҳларга бўлиб, барчасини эътиборда тутишга ҳаракат қилдик. Телефон орқали илк савол эса Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 28-мактаб директори Муҳиддин Қиличев томонидан берилди:

3-бетга қаранг

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

6 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Д. Тошмуҳамедова бошқарди.

Фракция аъзолари томонидан "Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси хавфли ишлаб чиқариш объектларида авариялар содир бўлиш хавфини камайтириш ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг аварияни бартараф этиш ва оқибатларини тугатиш борасидаги вазифаларига қаратилгандир.

Шунингдек, йиғилишда депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женева шаҳрида имзоланган Патент ҳуқуқи тўғрисида Шартномага қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан ҳам атрофлича танишиб чиқдилар.

* * *

Шу куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, "Ўзбекистон Республикасининг саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарнода 1968 йил 8 октябрда имзоланган Локарно битимига қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, ушбу битим 1968 йилда имзоланган ва 1971 йилнинг 27 апрелида кучга кирган. Локарно битими саноат намуналарининг халқаро таснифини қабул қилиш ва қўлланиш тартиб-тамойилини, шунингдек, органлар таркиби ва уларнинг қарорлар қабул қилиш қоидаларини белгилайди.

Йиғилишда 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги масала ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишини фракция раҳбари А. Турсунов олиб борди.

Депутатлар "Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ҳамда "Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиб, бир қатор таклифларини билдирдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси А. Рустамов олиб борди.

Депутатлар дастлаб "Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақидаги масалани муҳокама этдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмайдиган суммада кредит олган ташкилотлар, яъни микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқий асосини яратади. Муҳокама жараёнида фракция аъзолари лойиҳадаги баъзи терминларни янада аниқлаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда, шунингдек, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда ХДП фракциясининг 2006 йилги иш режаси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда "Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум"га қўшилган давлатлардаги наркотик моддаларни назорат қилиш тузилмаларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда кўплаб хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси раисининг ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази директори К.Дўсметов бошқарди. Таъкидланганидек, бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси энг долзарб дунёвий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Унга қарши курашиш жаҳон мамлакатларидан ҳамжиҳатликдаги қатъий ҳаракатни талаб этаётир.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний оқими Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта муаммодир. Минтақадаги бир неча мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадошлиги ҳисобга олинса, улар ушбу таҳдидга қарши курашнинг олдинги сафида турибди, дейиш мумкин. Фуқаролар урушига барҳам берилгани ва ижтимоий- иқтисодий инфратузилмани тиклаш бўйича талай ишлар амалга оширилаётганига қарамай, Афғонистон ҳамон гиёҳванд моддаларни етиштирувчи йирик марказ бўлиб қолаётир.

Экспертлар фикрича, бугунги кунда Марказий Осиёда наркотиклар билан боғлиқ вазият мураккаблигича турибди. Ўтган йили Афғонистонда кўкнори экилаётган майдонлар ҳажми камайганига қарамасдан, ушбу мамлакатда 4100 тонна қорадори йиғиштириб олинган. Бу тахминан 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хомашёдир.

БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Сумру Ноян хонимнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда наркотраффикка қарши курашиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, ахборот алмашувини йўлга қўйишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. 8 февралда Тошкентда "Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум"га қўшилган давлатларнинг еттинчи учрашуви бўлиб ўтади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чикди.

Масала адвокат А.Р.Лутфуллаевнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг раиси Б.Саломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси С.Одилхўжаева, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзоси М.Гасанов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов ва бошқаларнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида "Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас" деб кўрсатилган. "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида ҳам аналогик норма назарда тутилган.

Ушбу нормаларда "бошқа жавобгарликка" сўзларининг қўлланилиши уларни мазмунан қандай тушуниш керак, деган саволга жавоб беришни талаб қилади ва шунинг учун ҳам уларга шарҳ бериш зарратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли нормаларини ва иш бўйича бошқа материалларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, "жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади".

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида

"Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади" деб кўрсатилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида баён қилинган нормани белгилаётганда, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устунлигидан ҳам келиб чиққан деб ҳисоблайди. Жумладан, Жиноятларнинг олдини олиш бўйича БМТнинг саккизинчи конгресси томонидан 1990 йил август ойида қабул қилинган "Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидалар"да ҳукуматлар эътироф этилган касбий вазифалари, стандартлари ва этика нормалари асосида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатлари учун адвокатларни жазолаш ёки жазо қўлланиши билан қўрқитиш ва айблаш, уларга нисбатан маъмурий, иқтисодий санкциялар қўлланиши мумкин эмаслигини таъминлашлари шартлиги назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, адвокат судда, трибуналда ёки бошқа юридик ёки маъмурий органларда ўз бурчини виждонан бажариши ва касбий вазифаларини амалга ошириши муносабати билан ишга тааллуқли ёзма ва оғзаки шаклда қилинган мурожаатлари бўйича таъқибдан жиноят ёки фуқаролик иммунитетига эга бўлиши лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда юридик жавобгарликни назарда тутган, деб ҳисоблайди. Юридик жавобгарликнинг жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари борлигини инобатга олиб, Конституциявий суд қонунга мувофиқ, юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан адвокатни юридик жавобгарликнинг кўрсатиб ўтилган турларининг бирортасига ҳам тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосланиб ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмига ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмига қуйидаги шарҳ берилсин:

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмидаги "бошқа жавобгарликка" сўзларини мазмунан фуқаролик, маъмурий ва интизомий жавобгарликка деб тушуниш лозим;

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида баён қилинган норма адвокатни қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмаслигини назарда тутади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 февраль.

Андижон вилояти қурувчилари ҳақида гап кетганда, албатта, "6-механизациялашган кўчма жамланма" масъулияти чекланган жамияти хусусида илиқ гаплар айтилади. Зеро, 1972 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган мазкур қурилиш ташкилоти томонидан бунёд этилган иншоотлар, бинолар вилоят кўркига-кўрк қўшмоқда.

Бунёдкорлар

Ҳозирда салкам 60 нафар қурувчи меҳнат қилаётган жамоа меҳнати, айниқса, кейинги йилларда янада «ярқ» этиб кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2002-2005 йилларда улар томонидан бунёд этилган тўртта тумандаги турли касб-ҳунар коллежлари ўзининг меъморий услуби, ташқи кўркамлиги, синф ва аудиторияларнинг шинамлиги туфайли эътибор қозонди.

— Корхонамиз тасарруфида барча техника ва жиҳозларнинг мавжудлиги, улар моҳир қўлларга топширилгани ютуқларимиз омили бўлмоқда, — дейди "6-МКС" масъулияти чекланган жамият раҳбари Бахтиёр Эшонқулов. — Қурувчиларимиз томонидан 2005 йилда 1млрд. 690 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу ўз навбатида ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: ёш усталар Ихтиёр Ҳайдаралиев ҳамда Иззатилла Абдуллаев иш устида; корхона раҳбари Бахтиёр Эшонқулов ва дурадгор Аҳрор Сатимов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АМНИСТИЯ ИЖРОСИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Қарор ва ижро

Айни кунларда тегишли идоралар томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий мослашув марказлари жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Шу кунгача ушбу қарор талаблари Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизими муассасалари томонидан 11 минг 371 шахсга қўлланилди ва улардан 4 минг 16 нафари жазодан озод этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Анвархўжа Аъзамхўжаев. — Ички ишлар идоралари ҳамда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан айни пайтгача жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахслардан бир минг 821 нафарига ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилди. Икки мингдан кўпроғига ижтимоий кўникма марказлари томонидан моддий ёрдам берилди.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар идоралари ҳамкорлигида маҳаллаларда жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг ойлаларидаги шарт- шароит, муҳит ўрганилиб, муайян профилактика ишлари олиб борилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бу борада пойтахтимизнинг Учтепа туманида олиб борилаётган ишлар, айниқса, эътиборга молик. Туманда жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан 34 нафар шахснинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди. Кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

Жазони ижро этиш муассасасидан оиласи бағрига қайтган маҳкумлардан бири Б.Ғуломовдир. Бугунги кунда у ушбу тумандаги «Алиса- сервис» масъулияти чекланган жамиятида хизмат қилмоқда. Жазони ўташ муассасасида ўтган кунлар Б.Юнусов учун ҳам катта сабоқ бўлди. У беш ярим йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Муддатидан олдин озодликка чиқиши унга ҳаётга янгича қараш имконини берди.

— Мен ёлғон ҳою ҳавасга учиб, нотўғри йўлга кириб қолганим туфайли анча жабр чекдим, оила аъзоларим ҳам, — дейди Б.Юнусов. — Ўз қилмишим учун 2004 йил 15 октябрь куни Тошкент вилояти суди томонидан беш ярим йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Амнистия тўғрисидаги қарор менга ўхшаб йўлдан адашганлар учун катта имкониятдир. Бундай ғамхўрликларга жавобан энди тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилмоқчиман, оиламга, юртимга наф келтирмоқчиман.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ
янгиликлари

Асоссиз текширишга йўл йўқ

Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказида бўлиб ўтган семинарда Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда текширишларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган бошқа ҳужжатлардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизими профилактика йўналишида олиб борилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидландики, қонун ҳужжатлари асосида жорий йилда текширишлар сони 2005 йилдагига нисбатан 15 фоизга камайтирилади. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ваколатини олган ходимлар сони эса ўтган йилдагига қараганда 29 фоизга қисқартирилади.

Семинарда, шунингдек, келгусида амалга ошириладиган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

"Ташаббус-2006" га тайёргарлик қизғин

"Ташаббус" кўрик-танлови энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни рағбатлантириш, шу орқали мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

1996 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов шартларида замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар, корхоналарнинг импорт ва экспорт салоҳияти имкониятлари, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотларга алоҳида эътибор берилади. Муҳим жиҳати шундаки, ушбу нуфузли тадбирнинг туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида ғолиб деб топилганлар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Бугунги кунда жойларда танловнинг саралаш босқичлари давом этмоқда. Хусусан, келгуси ҳафтада Наманган вилоятида бўлиб ўтажак тадбирларда ўнлаб иштирокчилар ўз иши натижаларини намойиш этадилар.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Замонавий деҳқон бозори

Яқин вақтгача Қува шаҳри марказидаги "Деҳқон бозори" шароитидан кўпчилик қониқмасди. Эндиликда 6 гектар ҳудудни эгаллаган бу маскан тамомила янги қиёфа касб этди.

"Ғаллабанк"нинг Қува филиали томонидан ажратилган 35 миллион сўм кредит ҳисобига бозор ҳудудида юздан зиёд ёпиқ типдаги савдо дўконлари қурилди, 300 та пештахта замонавий усулда таъмирланди. Шуниси эътиборлики, бу маблағнинг бир қисми жамоанинг ўтган йилги даромади ҳисобига қопланди.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Сара уруғ тайёрланмоқда

Сирдарё туманидаги "Малик" уруғчилик маркази вилоятда сара уруғ етказиб беришда катта тажрибага эга.

Бу ерда "С-47-27", "Оқдарё", "Ан-Боёвут-2" каби деҳқонларга узоқ йиллардан буён манзур бўлиб келаётган уруғлик чигит тайёрланмоқда.

Марказда ҳозиргача 3,5 минг тоннага яқин уруғлик ҳозирланди. Шу ойда ер эгаларига яна 500 тонна уруғлик етказиб бериш кўзда тутилган.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Аҳоли газчилар хизматидан мамнун

Кейинги йилларда Конимех туманида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, "Конимехгаз" корхонаси томонидан "Шодибек" ва "Тўқмангит" фермер хўжаликлари ҳудудидаги қишлоқлар табиий газ билан таъминланди. Газчиларнинг иши сифатли бўлганиданми, қўшни Навбаҳор туманидан ҳам уларга буюртмалар тушмоқда. Хусусан, конимехлик газчилар ана шу туман аҳолиси жонига оро кириб, 120 та оилани «зангори олов»дан баҳраманд этди.

Айни кунларда газчилар туман марказида қад ростлаётган спорт мажмуаси иситиш тармоқларини қуриб, ишга туширмоқдалар.

СУРАТДА: "Конимехгаз" корхонаси ходимлари Сувон Рўзиев ва Шерзод Фармонов газ тақсимлагичдаги босимни кўздан кечиришмоқда.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЯНГИ ИЛМ МАСКАНИ

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, яъни педагогик ва инновацион технологияларни таълим жараёнига кенг жорий этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд, Қарши, Нукус, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиаллари ташкил этилди.

— Филиалимизда ўқув-тарбиявий ишлар жараёни талаб даражасида бўлиши учун барча чора-тадбирлар кўрилянти, — дейди университетнинг Самарқанд филиали директори Омон Мелиев. — Вилоятдаги нуфузли ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни ишга жалб этганмиз.

Ўқув амалиёти, илмий тадқиқотлар билан боғлиқ барча ишларни мустақил амалга ошираётган мазкур филиалда талабалар ташаббуси билан "Ахборотлаштириш ва алоқа" ёшлар маркази ташкил этилди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

КОРХОНА НЕГА БАНКРОТ БЎЛДИ?

Раҳматулла Ортиқов Пахтакор туманида жойлашган хўжалик ҳисобидаги автоучасткага раҳбар бўлиб келганида жамоа бинойидек ишлаб турганди. Кўп ўтмай, у мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга ўтди.

2002 йилнинг ғалла ўрим-йиғими мавсумида бош ҳисобчи Зокир Сафаров билан тил бириктириб, қонунбузарликни ўзига одат қилди. Жамоанинг автоуловларда юк ташиётган ўнлаб аъзолари номига қалбаки тўлов қайдномалари ёзиб, қисқа фурсатда уларнинг 1.139.140 сўм ҳақини ўзлаштириб юборди. Кейин асоссиз равишда ишлатилмаган автомашиналарга бензин чиқим қилишни ҳам "йўлга қўйди".

Топаётган даромади кўзига кам кўриндими ёки бош ҳисобчининг иши ончалик ҳам қониқтирмадими, Раҳматулла уни алмаштириб, ўрнига янгиси — Сайфулла Бобобековни тайинлади. Сайфулла деганлари ҳам анойи эмас экан. Раҳбари билан тезда тил топишиб кетди. Энди икковлон бирлашиб, "ишонч қоғозлари операцияси"ни ихтиро қилишди. Турли ташкилотлар, фирмалар билан ижроси таъминланмайдиган шартномалар тузилди. Қоғоздаги олди-бердилар "ишбилармонлар"нинг киссасини пулга тўлдираверди. Буни қарангки, "тушум"нинг кўплигидан корхонанинг ҳақиқий аҳволини унутиб қўйган бошлиқлар уни жар ёқасига келиб қолганини ҳам сезишмади.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Юқорида келтирилган далиллар Пахтакор тумани давлат солиқ инспекциясининг вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, жамоани банкрот деб эълон қилишини сўрагандан кейин ошкор бўлди.

Хўжалик ҳисобидаги автоучастка банкротликка "тавсия" этилган пайтда унинг жами кредиторлик қарзи қарийб 64 миллион 645 минг сўмни, шу жумладан, бюджетдан қарздорлик миқдори 18 миллион 89 минг сўмни ташкил этганди. Ариза юзасидан корхона фаолияти ўрганилиши жараёнида ҳам унинг молиявий аҳволи оғирлашиб бораверди. Яъни, бюджет олдидаги қарзлари 21 миллион 833 минг сўмдан ошиб кетди.

Хўш, юзага келган бундай мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг имкони бормиди?

— Албатта, бор эди, — дейди мазкур ишни кўриб чиққан вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари Маҳмуд Якубов. — Корхонанинг дебиторлик қарзлари бўйича молиявий таҳлил ўтказилганда, унинг ҳажми 51 миллион 201 минг сўмни ташкил этиши аниқланди. Муддати ўтиб улгурган қарзларни ундириш юзасидан эса ҳеч қандай ҳаракат бўлмаган. Мансабдорлар ваколатини суиистеъмол қилиб, шахсий бойлик орттириш мақсадида қонунларимизга хилоф тарзда иш юритаверишган. Шу боис раҳбар Р. Ортиқов, бош ҳисобчилар С. Бобобеков ҳамда З. Сафаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми, "а" банди, 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Демак, корхона банкрот бўлди. Бунинг оқибатида эса барча кредиторлар ҳамкорлар жабр кўришди. Қанчадан-қанча мол-мулк талон-торож бўлди. Тўғри, айбдорлар қилмишларига яраша жазоларини олишди. Улардан ҳозиргача 4 миллион 54 минг сўм ундирилди. Яна тўланиши лозим бўлган 10 миллион 605 минг сўм маблағ турибди. Аммо аҳоли, фермер хўжаликларига яхшигина хизмат кўрсатиб турган корхонанинг масъулиятсизлик, уқувсизлик, ўз манфаатини жамоа ва давлат манфаатидан устун қўйувчи кимсаларнинг касрига тугатилаётгани ачинарлидир.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бевосита мулоқот

ЎҚИТУВЧИ МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ

унинг масъулиятини оширади

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган эзгу мақсадлар мустақиллигимизнинг буюк нишонасидир. Туробжон Икромович, шу ишлар, Фармонда таъкидланганидек, умуммиллат ҳаракатига айланди, дея оласизми?

— Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури том маънода умуммиллат дастурига, яъни умумхалқ дастурига айланди, десак муболаға бўлмайди. Бу фикрни қуйидаги маълумот билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан, биргина 2005 йилда 55 та мактаб янгидан қурилди, 284 та мактаб капитал реконструкциядан чиқарилди, 438 та мактабни капитал ва 322 та мактабни жорий таъмирлаш ишлари тугалланди. 2005 йил дастурига киритилган мактабларга қўшимча равишда маҳаллий ҳокимликлар, ширкат, фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан 3,3 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар, саховатпеша ҳомийлар томонидан 14 та янги мактаб биносини қуриш учун 2 млрд. 750 млн. сўм, 6 та мактаб ҳамда 1 та боғчани капитал реконструкция қилиш учун 2 млрд. 600 млн. сўм, 21 та таълим объектини таъмирлаш учун эса 3 млрд. 800 млн. сўм сарфланди. Худди шу тариқа 85 та мактаб ҳам 597 млн. сўмга жорий таъмирланди.

Умумхалқ ҳаракати натижасида республика бўйича Дастурга кирмаган объектлардан жами 127 та таълим муассасаси қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилиб, фойдаланишга топширилди ва бу ишларга қарийб 9 млрд. 800 млн. сўмлик маблағ сарфланди.

Ўзингиз яшайдиган Самарқанд вилоятида ҳомийлар ҳисобидан жорий йилда фойдаланишга топширилган 5 та янги мактаб биноси 1660 нафар ўқувчини ўз бағрига олди. Тошкент вилоятида эса, ҳомийлар ҳисобидан 420 ўқувчига мўлжалланган 1 та янги мактаб қурилди, 4 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди ҳамда 13 та мактаб биноси ва иншоотлари капитал таъмирлашдан чиқарилди. Сурхондарё вилоятидаги янги қурилган 2 та мактабда 524 нафар фарзандларимиз ўқимоқда.

Бу маълумотлардан келиб чиқиб, ишонч билан айтиш мумкинки, Президентимиз даъватига кўра, бу соҳада олиб борилаётган ишлар тобора кенг кўлам касб этаётир. Кимдир маблағ билан, кимдир бир пиёла чойи, кимдир "Ҳорманглар" дея, меҳри билан ана шу савоб ишларга ҳисса қўшди.

Гулнора ҚУДРАТОВА, Яккабоғ тумани, 2-мактаб ўқитувчиси:

— Бугунги кунда мактаблар замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва жиҳозлари билан таъминланмоқда. Бу биз, ўқитувчиларнинг орзусидир. Ҳозирча ана шу кўрсаткич талаб даражасидами?

— Дарҳақиқат, барча умумтаълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда мебель ва спорт анжомлари билан талаб даражасида жиҳозланиши ҳам Давлат умуммиллий дастуридан алоҳида банд сифатида ўрин олган.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида нафақат юртимизда, балки энг ривожланган давлатларда ҳам ишлаб чиқарилаётган ўқув жиҳозларининг кўргазмаси ўтказилди. Президентимиз ушбу кўргазмага ташрифлари чоғида мактаб мебеллари, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари энг замонавий андозаларга мос бўлишини алоҳида таъкидладилар.

2005 йилда умумтаълим муассасаларини мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ўтказилган тендер танловлари натижаларига кўра, республика бўйича жами 43 та корхона ва ташкилот билан шартномалар тузилган. Давлат умуммиллий дастурига асосан ишга туширилган умумтаълим мактабларининг 1530 та 1-4-синф, 2394 та 5-9-синф хонаси, 325 та "Маънавият ва маърифат" ва 313 та касбга йўналтириш хонаси, 382 та чизмачилик, 697 та лингафон, 988 та компьютер хонаси, 640 та физика лабораторияси, 390 та кимё ва 128 та биология лабораторияси, 221 та ошхона, 615 та спорт зали ҳамда 1367 та методик хонасини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари ва спорт анжомлари билан жиҳозланиши якунланди.

Эшқурбон ЧОРШАНБИЕВ, Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, ўқитувчи:

— Умумий ўрта таълим муассасаларида рус тили фани ўқитувчилари иш ҳақига 15 фоиз устама белгиланган эди. Шу тартиб ҳозирда ҳам сақланиб қолганми? Кабинет мудирлари, устахона мудирларига тўланадиган тўловлар-чи?

— Бу кўпчиликни қизиқтирган муҳим масала эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Президентимизнинг 227-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 275-қарорида ўқитувчилар иш ҳақини такомиллаштиришга оид кўпгина ўзгаришлар киритилган эди. Айни пайтда ўз кучини йўқотган қарор ҳамда йўриқномаларнинг рўйхати ҳам эълон қилинган. Шунга кўра, рус тили ўқитувчисининг 15 фоизли устамаси ўз кучида қолади. Шунингдек, таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумтаълим мактабларидаги ўзбек тили фани ўқитувчиларига ушбу фанлардан ўтилган соатлар учун ойлик ставкасига қўшимча 15 фоиз ҳақ тўланавераси. Лекин кабинет мудирлиги учун қўшимчалар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилидаги 310-сонли қарорига асосан, устахона мудирлиги учун қўшимча ҳақлар Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорининг 5-иловасига асосан бекор қилинди. Чунки бу ишлар ўқитувчининг умумий йиллик юкламасига киритилган.

Галина ТУРГУНОВА, Ангрен шаҳри, ўқитувчи:

— Ўқитувчиларга устама ҳақ тўлашни махсус комиссия белгилаши лозим, лекин 42-мактабда (Дукент қўрғони) ҳеч қанақа комиссия хулосаларисиз барчанинг иш ҳақига 15 фоиздан қўшимча қўшилди. Бундай "тенглаштириш" тўғрими?

— Республикамиз Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида айнан ана шундай "тенглаштириш" нотўғри эканлиги кўрсатилган. Яъни, мазкур Қарор юқори малакали, илғор, жонкуяр педагогларни қўллаб-қувватлаш, ижодий рақобат муҳитини яратиш, оқибатда таълим сифатини ошириш орқали баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган. Сиз айтаётган 42-мактабдаги бу ҳол Қарор талабларига мутлақо зиддир. Вазирлик унинг фаолиятини ўрганиб, ижронинг албатта талаб даражасида бўлишини таъминлайди. Фурсати келганда айтиш жоизки, ҳар бир таълим муассасасидаги махсус комиссия фаолияти ошкора, юритилиши, унинг қарорига кўра устама оладиган ходимлар жамоатчиликка маълум қилиб борилиши лозим. Жумладан, комиссия хулосаси мактабда ташкил этиладиган стендларда доимо намойиш этилиши шарт эканлиги ҳақида кўрсатма берилган. Зеро, ҳаққонийлик, холислик, ҳалоллик соғлом рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Содиқ БОБОМИРЗАЕВ, Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси:

— Директор жамғармасидан устама ҳақлар фақат олий маълумотли ўқитувчиларга бериладими? Ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчиларга-чи?

— Агар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи махсус комиссия Низомида кўрсатилган барча талабларга жавоб берса ҳамда махсус комиссия томонидан тасдиқланса, базавий тариф ставкасига нисбатан устамалар берилади.

Н.НАМОЗОВА, Тошкент шаҳри, «Қорасув» мавзеси, 4-даҳа:

— Директор жамғармаси қайси турдаги таълим муассасаларида ташкил қилинади ва жамғарма маблағлари миқдори ким томонидан белгилаб берилади?

— Директор жамғармаси умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ, ўқувчиларга таълим берадиган барча турдаги умумтаълим муассасаларида — мактабларда ташкил этилади. Ушбу жамғарма аҳлан ва жисмонан заиф болалар муассасалари ҳамда махсус мактаб ва мактаб-интернатларига татбиқ этилмайди.

Жамғарма маблағлари ҳар бир умумтаълим муассасасининг йиллик (ойлик) иш ҳақига нисбатан 15 фоиз миқдордан ошмаган ҳолда кўзда тутилган бўлиб, ҳар йили Молия ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан белгилаб берилади.

Молия вазирлигининг 2006 йил 6 январдаги РА/12-01-16/79-сонли, Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 6 январдаги 01-1034-сонли хатига кўра, Директор жамғармаси жорий йил иш ҳақи миқдорига нисбатан 12 фоиз қилиб белгиланди.

Муҳима САТТОРОВА, Бухоро шаҳридаги 9-мактаб директори:

— Ихтисослашган мактаб-интернатларда синф раҳбарлари учун қўшимчалар сақланиб қолдими?

— 2006 йил 1 январга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги 310-сонли қарорига асосан, синф раҳбарлиги учун минимал иш ҳақининг 100 фоизи ва дафтар текширганлиги учун 50 фоизи миқдорида қўшимчалар тўланиб келинар эди. Педагог ходимларнинг ўқув жараёнидаги масъулиятларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига асосан, синф раҳбарлиги ва дафтарларни текшириш учун қўшимчалар белгиланган миқдорда сақлаб қолинди.

Гулнора ХУДОЁРОВА, Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси:

— 2005 ўқув йили сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойлари учун ўқитувчиларга бериладиган устама бекор қилинганми? Агар бекор қилинмаган бўлса, нега тўланмади?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 июлдаги 335-сонли қарорига асосан, педагог ходимларга устама ҳақларни тўлаш бўйича эксперимент фақатгина 2004-2005 ўқув йили давомида (2004 йил 1 сентябрдан 2005 йил 1 сентябрга қадар) ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, мазкур эксперимент ўз ижобий натижаларини кўрсатганлиги сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги 275-сонли қарорига асосан, 2006 йил 1 январдан бошлаб устама ҳақлар белгиланиши давом эттирилади.

Зулфия ҚОРАБОЕВА, Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги, 1-мактаб ўқитувчиси:

— 1995 йилдан буён тўлаб келинаётган 15 фоизли моддий рағбатлантириш жамғармаси сақланиб қолдими?

— Директор жамғармаси ташкил этилган таълим муассасаларида 15 фоизлик моддий рағбатлантириш жамғармаси бекор қилинади.

Матлуба СУЛТОНОВА, Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси:

— Олий таълим муассасаларининг I, II ва III курсида сиртдан ўқийдиган, айни пайтда мактабда педагог бўлиб ишлайдиган ўқитувчига қайси ставка билан ҳақ тўланади?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорининг 3-иловаси, 8-бандига кўра, олий таълим муассасасининг фақатгина 4-курсида ўқиётган талабаларга педагогик фаолиятни амалга ошириш учун рухсат берилади ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси даражасида ҳақ тўланади.

Анвар МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси:

— Директор жамғармаси маблағлари фақат ўқитувчиларга бериладими?

— Директор жамғармаси маблағлари умумтаълим муассасаларининг фақат ўрнак кўрсатган ўқитувчиларига (педагоглар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизига) уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар ва умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади.

Ашура ҚЎЧҚОРОВА, Фарғона шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси:

— Махсус комиссия таркибига кимлар киритилади?

— Махсус комиссия таркиби умумтаълим муассасаси раҳбари буйруғи билан камида етти кишидан иборат этиб тузилади. Мактаб директори — комиссия раиси, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, мактаб ички мониторингини ташкил қилишга масъул – комиссия масъул котиби, умумтаълим муассасаси педагогик кенгаши қарори билан вакил қилинган камида икки нафар ўқитувчи, мактаб касаба уюшмаси ташкилоти раиси, умум мактаб ота-оналар қўмитасининг камида икки вакилидан иборат бўлади.

Ҳокима Қудратова, Самарқанд шаҳар ХТБ методисти:

— Ўқитувчилар аттестациядан ўтиб, тоифа олгунича амалдаги тоифалари сақлаб туриладими?

— Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг мутасадди ходимлари ҳамкорлигида "Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилди ва у 2006 йил 28 январдан кучга кирди. 2006-2007 йиллар мобайнида халқ таълими муассасаларининг барча педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш ва унинг натижалари бўйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгилаш кўзда тутилган. Демак, аттестация ўтказилгунга қадар амалдаги тоифалари сақлаб турилади.

Лола БЕШИМОВА, Бухоро вилояти, Олот тумани, 24-мактаб ўқитувчиси:

— Ҳарбий хизматга чақириқ қача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари (ҳарбий раҳбарлар)га қандай тартибда иш ҳақи берилади?

— Базавий тариф ставкалари ҳажмида умумтаълим мактаблари ҳарбий раҳбарларига бир ҳафтада 40 соатлик иш ҳажми белгиланган. Бу педагогик фаолиятга давлат компоненти соатлари ва мактаб компонент соатлари (10-11-синфлардаги бошланғич ҳарбий машғулотлар ва фуқаро мудофааси ўқув соатлари) киради. Бундан ташқари, ҳарбий раҳбар зиммасига бошланғич ҳарбий машғулотлар, ўқувчилар билан ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб бориш ҳамда ҳарбий таълим асосларига оид тўгаракларни юритиш ва ҳарбий кабинетлар бошлиғи вазифасини бажариш, ҳарбий куроллар, отиш тири, ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, машғулот хонасини назорат қилиш вазифалари ҳам киради.

Ҳарбий раҳбарга халқ таълими тизими бўйича ҳақ тўлаш Низомининг 12-14-бандлари, 3-иловаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-қарори асосида иш ҳақи белгиланади.

Дилором МАДАМИНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси:

— Ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳозирги кунгача халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган ва режалимажбурий шаклда иш олиб борадиган тизим орқали амалга ошириб келинаяпти.

Тўғриси, бу тизим ҳозирги бозор ислоҳотлари ва жамиятни демократлаштириш талабларига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Шу сабабли, педагогларнинг малакасини ошириш, уларнинг касбий фаолиятини диагностик таҳлиллар асосида, табақалаштирилган дастурлар бўйича амалга ошириладиган тизимга ўтишга киришилди.

Маълумки, собиқ иттифоқ таълим тизими даврида малака ошириш ёки қайта тайёрловдан ўтмоқчи бўлган ўқитувчи салкам бир ой мобайнида ишдан ажралган ҳолда вилоят ёхуд республика марказидаги педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ўқиши лозим эди. Бу эса, бир жиҳатдан, шундоқ ҳам фан ўқитувчисига эҳтиёж бўлган мактаб, қолаверса, ўқувчиларнинг таълим олишига салбий таъсир ўтказган бўлса, иккинчидан, айниқса, аёл ўқитувчиларнинг бир ой уйи, оиласидан олисда юришга мажбур қиларди. Табиийки, ўқитувчилар учун бундай малака ошириш тизими бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарар эди.

Малака оширишни ташкил этишнинг янги тартиби мақсадли йўналтирилган шаклда асосланган. Бу тизимда умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари буюртмалари асосида иш олиб борилади. Педагог ходимнинг касбий фаолиятидаги камчиликлар (ўз фанини билиши, методик тайёргарлиги, психологик-педагогик фаолияти)нинг диагностик таҳлили асосида уларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш бўйича зарур эҳтиёжлари аниқланади.

2006 йил учун малака ошириш институтлари режалари ва дастурлари биринчи марта жойлардаги таълим муассасалари (мактабгача, мактабдан ташқари ва умумтаълим мактаблари)нинг буюртмалари асосида, манзилли ҳамда ходимларнинг касбий тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди. Бунда педагог ходимларнинг тоифалари бўйича ҳамда уларнинг касбий жиҳатдан ўсишларига йўналтирилган малака ошириш курсларини муаммоли, мақсадли, муаллифлик, педагогик технологиялар, ахборот технологияларини ўрганиш йўналишларида ташкил этиш назарда тутилади.

Унга кўра, педагогларнинг тоифалари, педагогик стажи ва биринчи навбатда таълим олиш эҳтиёжларига мос ҳолда малака оширишнинг турлари, муддатлари (18 ва 12 кунлик), даврийлиги (ҳар 3 йилда бир марта) белгиланган.

Гулистон МАШАРИПОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси:

— Мактабларни дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси қандай?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида"ги 548-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича 2005-2006 ўқув йили учун умумтаълим мактаблари кутубхоналарига жами 18 млн. 636 минг нусха (16,7 млрд. сўмлик) дарсликлар харид этиш режалаштирилган эди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб бўйича ўтган ўқув йилида дарсликлар билан таъминланганлик ҳолати ва 2005-2006 ўқув йилида дарсликларга бўлган эҳтиёжи қайта ўрганилди ҳамда бу борада маълумотлар банки яратилди. Натижада жами 16,8 млн. нусха (14,2 млрд. сўмлик) дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш зарурати борлиги аниқланди.

Жорий ўқув йилида барча маблағлар ҳисобидан таълим 7 тилда олиб бориладиган мактаблар учун 463 номдаги дарсликлар харид этилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 444 номдагиси қайта нашр этилди, 19 номдагиси янгидан яратилди. Шунингдек, жами 14,2 млрд. сўмлик 16,8 млн. нусха, яъни ўтган ўқув йилидагига нисбатан 3,4 млрд. сўм ёки 2 млн. нусха кўп дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш бўйича шартномалар имзоланди ҳамда давлат бюджети ҳисобидан 5,7 млн. нусха (4,7 млрд. сўмлик), ОРБ кредити ҳисобидан 11,1 млн. нусха (9,5 млрд. сўмлик) дарсликлар харид қилинди. Лекин бу соҳада ҳали бажаришимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Агар 2005 йилда республикамизда турли тиллар: қорақалпоқ, тожик, рус, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида, юқорида қайд этилганидек, дарсликлар ёзилиб чоп этилган бўлсада, уларни методик таъминлаш ишларида ечимини кутаётган муаммолар бор. Дарсликларни жойларга ўз вақтида етиши борасида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда.

Комил МИРГАЛУДИНОВ, Тошкент шаҳри, ишчи:

— Айрим мактабларнинг раҳбарияти мактаб фонди, синф фондига, баъзи мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари учун ҳам пул йиғишади. Шу тўғрими? *(шу саволни Тошкент шаҳридан Дилноза СУЛАЙМОНОВА ва Обида МИРЗАҚУЛОВАлар ҳам беришди)*

— Мактаб раҳбарияти ёки ўқитувчилар томонидан ота-оналардан пул йиғиш қатъиян тақиқланади. Умуммиллий дастур асосида қурилиши, таъмирланиши режалаштирилган мактаблар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Агарда Сиздан мактаб таъмири учун пул йиғилаётган бўлса, бу ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай ҳолатга йўл қўйган мактаб раҳбари, фактлар тасдиқланса, лавозимидан озод этилади. Бу борада вазирликнинг тегишли буйруғи қабул қилинган. Мактабга беғараз ёрдам бериш — бу ота-оналар қўмитаси, васийлик кенгашининг қарори билан, ихтиёрий тарзда амалга оширилиши мумкин ва бу иш уларнинг ваколатига киради.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг қонуний сарфланишини назорат қилиш мактабларда ташкил этилган васийлик кенгашининг зиммасига юклатилган. Шу мақсадда вазирликнинг 2005 йил 21 октябрда "Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари васийлик кенгашлари тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи қабул қилинган.

Насимбек НОРБЕКОВ, Жиззах вилояти, Фориш тумани, ўқитувчи:

— Мактабларимизда фаолият кўрсатаётган фан тўгаракларининг бугунги аҳволи Сизга маъқулми?

— Ўтган 2004-2005 ўқув йили "Мактабдан ташқари таълим муассасалари самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни тўгаракларга жалб этиш ва ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар қамровини кенгайтириш мақсадида республика бўйича 12 та (Наманганда 3 та, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида 2 тадан, Навоийда 1 та) янги мактабдан ташқари таълим муассаси ишга туширилди.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчилар 2004-2005 ўқув йилида 533208 нафарга, тўгараклар 32699 тага етди, яъни аввалги ўқув йилидагига нисбатан тўгараклар 8294 тага, ўқувчилар эса 35565 нафарга кўпайди.

Аммо мактаблардаги фан тўгаракларини фаолиятини такомиллаштириш вақти келганлигини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимлари ҳамда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан мактабдан ва синфдан ташқари ишлаш, жамоатчилик ишларида қатнашиш, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган ишлар йўналишлари бўйича масъулиятларини ошириш натижасида бу борада ижобий томонга ўзгариш бўлишига ишонамиз. Зеро, бу Қарорда ҳар бир фан ўқитувчиси учун бевосита ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича фан тўгаракларига жалб этиш учун ўртача бир ойда 4 соатдан, жами бир йилда 28 соат, фан ҳафталиклари ўтказишга эса 10 соат ажратилган.

* * *

«Бевосита мулоқот» жараёнида ота-оналар, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик томонидан халқ таълими вазири Т.Жўраевга "Таълим тўғрисида"ги Қонун, республика Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 227-сонли Қарори билан боғлиқ кўплаб саволлар берилди. Мазмун жиҳатидан бир-бирини такрорлаган саволлар умумлаштирилиб, жавоблар ҳам шунга мос ҳолда тайёрланди. Мулоқот якунида Муҳиддин Қиличев ва Нилуфар Намозоваларнинг саволлари "Энг мазмунли савол" деб топилди. Шу боис ҳар икки савол эгалари вазирлик томонидан рағбатлантирилади.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
И. МУДАРИСОВ,
Р. ГАЛИЕВ (сурат), «Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбирлари.

Мир Алишер Навоий ғазалига мухаммас

Кўнглим очилиб, ўйлаки орзу била ўйнар,
Кўрганда юзинг, орзуси қайғу била ўйнар,
Қайғуси яна завқ ила туйғу била ўйнар,
Зулфинг очилиб орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачае шўхтурур су била ўйнар.

Кечдим шу замон қолган умр, бори ҳавасдин,
Жон куйдию, фарқ қолмади дил бирла нафасдин,
Кўнглим отилиб ишвасидан, чиқса қафасдин,
Ул шўх кўнгил лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алқиссаки кўзгу била ўйнар.

Юзи ўзидин мағрур ҳам ўзи юзундин,
Киприклари дарс олган эрур икки кўзундин,
Бир жилваси — минг шеваю афсона ҳуснидин,
Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Гул ҳам сени кўрганда чаман ичра уёлиб,
Қолгайму лабинг оллида қонига бўёлиб,
Қаддинг била қатлинг манга ғоятки муносиб,
Тонг йўқки кўнгил бўлса кўзунг бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар.

Сочлар туну, юз — ойми, қуёш — анвар ичинда,
Зулфлар ичида бўйунларинг анбар ичинда,
Бўйнунгга боқиб ўлсам агар ғамлар ичинда,
Бир лўлийи бозига эрур чанбар ичинда,
Холингким ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.

Дунё ишида бордир азал икки тарафким,
Ул меҳру муҳаббатдир, бир — қаҳру ғазабким,
Аҳёр била дўст кулса агар, қилма сабабким,
Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.

Бу умр йўлин сидқу сазо сори бурунгким,
Кўнгил тилаган ҳамдаму ёр бирла гурунгким,
Бу меҳру вафо олам аро кўҳна гурунгким,
Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину била ўйнар.

Сирожиддин САЙЙИД.

torino 2006

Ўзбекистондан — қишки Олимпиадага

10 февраль куни Италиянинг Турин шаҳрида спорт оламидаги энг нуфузли мусобақалардан саналган XX қишки Олимпиада ўйинлари бошланади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, спортчиларимиз 1994 йили Лилихаммер (Норвегия)да ўтказилган қишки Олимпиада ўйинларида илк бор мустақил юрт вакиллари сифатида иштирок этишганди. Унда ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл бўйича олтин медални қўлга киритганди. Сўнгра Нагано — 1998 (Япония), Солт-Лейк Сити — 2002 (АҚШ)да бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида ҳам юртимиз вакиллари қатнашди.

Турин Олимпиадасида малакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимиз кеча Италияга жўнаб кетишди. Олимпиада ўйинларида фигурали учиш бўйича Артём Князов ва Марина Оганиналар жуфтлик, Анастасия Гимазетдинова яккалик баҳсларида, тоғ чанғиси бўйича эса Қайрат Эрматов ўз омадларини синаб кўрадилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



2006 йилда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва ўқув-компьютер синфлари учун махсус мебеллар билан жиҳозлаш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

- *қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;*
- *белгиланган муддат ичида тендер олди саралаш босқичи (предквалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;*
- *илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлар ва бажармаётганлар;*
- *тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон қилингунга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилганлар;*
- *суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар.*

Тендер савдолари ўтказилиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув-таълим-таъминот» бош бошқармасига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

700077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Сайрам» кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув таълим-таъминот» бош бошқармаси. Телефонлар: (8-3712) 68-75-85, 68-03-37, 67-28-00. Факс: (83712) 68-03-37.

Банк реквизитлари:
ҳисоб рақами 20210000700101561002,
АТИБ «Ипотекабанк», Меҳнат бўлими,
МФО 00423.

Тендер ҳужжатлари пакетини олмоқчи бўлган шахслар «Ўқув-таълим-таъминот» бош бошқармасининг ҳисоб рақамига 100 000 (юз минг) сўм миқдорида пул ўтказиш йўли билан, қайта қопланмайдиган комиссион тўловини амалга оширгач, олишлари мумкин.

Барча тендер таклифларига тендер таклифи суммасининг 1% миқдоридаги бўнак суммаси бириктирилган бўлиши керак. Бўнак суммаси бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Бўнак суммалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Буюртмачи — Халқ таълими вазирлигининг банкдаги реквизитлари:
х/р 20203000100101044002, АТИБ «Ипотекабанк», Меҳнат бўлими,
МФО 00423, ИНН 201122808, ОКОНХ 97300.

Шунингдек, тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2006 йил 9 март соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.

Тендер савдолари ўтказиладиган жой ва сана тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан қўшимча тарзда барча тендер савдолари иштирокчиларига маълум қилинади.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича ҳаракатланадиган тезюрар «REGISTON» электрпоезди 2006 йил 1 февралдан бошлаб ҳар куни қатнашини маълум қилади.

«REGISTON» электрпоездининг ҳаракатланиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№ 02 Тошкент — Самарқанд	07.00	10.50
№ 01 Самарқанд — Тошкент	17.00	20.50

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: Тошкентда — 199-76-27; Самарқандда — (8-3662) 29-15-32, 22-11-12.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

7-Ўзбек Халқаро кўргазмаси
ҚУРИЛИШ

1-4 МАРТ 2006
Тошкент, Ўзбекистон, «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»
UzBuild



- Қурилиш жиҳозлари
- Керамика ва безак тоши
- Қурилиш асбоб-ускуналари
- Интерьер
- Ойна ва эшиклар
- Сауналар, ҳаммом, бассейнлар
- Иситиш ва ҳаво алмаштириш воситалари
- Поллар
- Сантехника
- Ёритиш воситалари

Ташкилотчилар:
ITE UZBEKISTAN
ITE GROUP PLC
ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20.
Тел.:+(998 71) 113 01 80.
Факс: +(998 71) 151 21 64.
E-mail: build@ite-uzbekistan.uz
Web: www.uzbuild.uz

www.uzbuild.uz

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ТАКРОРИЙ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Мирзобод туманидаги 18-мактаб учун спорт зали қурилиши.**
   Бошланғич нархи — 111,1 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.
2. **Боёвут туманидаги 39-мактаб учун спорт зали қурилиши.**
   Бошланғич нархи — 115,0 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.
3. **Сайхунобод туманидаги 34-мактаб учун спорт зали қурилиши.**
   Бошланғич нархи — 115,0 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.
4. **Сардоба туманидаги 10-мактаб учун спорт зали қурилиши.**
   Бошланғич нархи — 73,6 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.
5. **Сирдарё туманидаги 20-мактаб учун спорт зали қурилиши.**
   Бошланғич нархи — 73,6 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.

Объектлар республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи манзили: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Телефон: 27-63-86.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предметининг 20% миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса, шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатларга эга бўлиши, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан эълон чоп этилганидан кейин 15 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 15 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«VIRA INTERPRAYZIZ» МЧЖ бир лаҳзали

«ИШОНЧЛИ ЎЙИН»

пул-буюм лотереясида 40 та «Daewoo MATIZ» русумли автомашина ўйналган. Биринчи чиқарилган чипталарни сотиш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ютуқли чипталар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлов учун қабул қилинишини маълум қилади.

Юқорида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ютуқли чипталар тўлов учун қабул қилинмайди.

Расмий дистрибьютер автомобиллар сотади.
Тўлов шакли — турлича.
Телефонлар: (99890) 175-69-75, (99871) 140-00-61, 138-58-94.
Автосервис хизматлари — пул ўтказиш йўли билан. Тел.: 189-92-52.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Валюта айирбошлаш пунктларида ишлаш учун кассир-назоратчилар ва кассир-экспертлар танлов асосида ишга олинишини эълон қилади.

Номзодлар олдига қуйидаги талаблар қўйилади:
кассир-назоратчи — олий (иқтисодий) ёки ўрта махсус (иқтисод) маълумот;
кассир-эксперт —ўрта ёки ўрта махсус маълумот.

Мурожаат учун телефонлар: 134-10-91, 135-33-17, 144-13-69, 144-99-22.
www.nbu.com

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси ва маъмурияти академик Восил Қобулович Қобуловга умр йўлдоши **НАСИБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси университет босмахонаси директори Маъмур Ҳасановга укаси **Зиёд ҲАСАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(i) -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345